

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 486-ҳадис

486 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: تُوِّبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَا فِي بَيْتِي مِنْ شَيْءٍ يَأْكُلُهُ دُو كَيْدٍ إِلَّا شَطْرُ شَعِيرٍ فِي رَفِّ لِي، فَأَكَلْتُ مِنْهُ حَتَّى طَالَ عَلَيَّ، فَكَلَّمْتُهُ فَقَنِي. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 3097، م 2973].

قَوْلُهَا «شَطْرُ شَعِيرٍ» أَي: شَيْءٌ مِنْ شَعِيرٍ، كَذَا فَسَّرَهُ التِّرْمِذِيُّ.

486. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам вафот қилганларида уйимда токчамдаги озгина арпадан бошқа тирик жон ейдиган нарса йўқ эди. Ундан анча вақтгача еб юрдим, сўнг уни тортиб кўрган эдим, тугаб қолди».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Аллома Ибн Аллон роҳимаҳуллоҳ «Далилул фалиҳийн» китобида: «Оиша розияллоху анҳо тортиб кўргач у кишига жазо ўлароқ арпа тугаб қолди. Чунки тортиб кўришлари Аллоҳга таслим бўлишга зид амалдир», деб айтганлар.

«Талмасоний «Шарҳуш шифо» номли китобларида қуйидаги ҳадисни келтириб, юқоридаги гапга муҳолиф эмас дейдилар.

Миқдом ибн Маъдикараб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Таомларингизни ўлчанглар, сизга унда барака киритилур», дедилар».

(Имом Бухорий ривоят қилган).

Чунки Расулulloҳ с.а.в. ундаги буюрган нарсалари, қўлга ушлашни назарда тутганлар. Ундан ташқари озгина овқатни кўпайтириш Аллоҳ таолонинг махфий сирларидандир. Сирнинг шarti махфий сақлашдир. Бу ҳадисдан олинадиган фойда шуки, Аллоҳ кимга бирор каромат билан лутф-марҳамат кўрсатса, уни сир тутиб, шукрини адо қилиб, у нарсанинг миннати Аллоҳга хос эканини билаш орқали сақлаб қолинади. Шунда у нарсага ўзгариш крмайди».

Қуртубий айтадилар: «Бараканинг кўтарилишига сабаб, нафс у нарсага ҳирс кўзи билан боқиши ҳамда ғайри одатий нарсага гувоҳ бўлиб турганда сабабларга мойил бўлинганидадир. Бу нарса Баний Исроилда ҳам содир бўлган. Улар саҳрода дарбадарлик пайтларида устларидан ширинлик ва беданани туширилиб: **«Ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларини енглар»** (Бақара сураси, 57)-оятини нозил бўлганида, улар нафс ҳирсига бўйин эгиб, бошқа кунлар учун яшириб қўйишди. Шу сабаб, гўштлари сасиб, овқатлари ачиб қолди».

Манба: hadis.islom.uz

